

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.11500248>

ЧАНГЛИ ГАЗ ОҚИМИГА ФИЛЬТРОВЧИ МАТОНИНГ АЭРОДИНАМИК ҚАРШИЛИГИ

Муллажонова Мафтуна Маликжон қизи

Фаргона политехника институти,

Тадбиқий механика кафедраси, асистент

Мухаммаджонов Элдорбек Зухриддин ўғли

Фаргона политехника институти, талаба

АННОТАЦИЯ:

Енгли фильтрни аэродинамик параметрлари ишилаш жараёнида ўзгариб боради. Уларни ўзгариши даражаси турли сабабларга боғлиқ. Енгли фильтрлар ишини тавсифловчи уишибу параметрлар орасида энг муҳими – тозалаши самараси ва аэродинамик қаршиликдир. Тадқиқотнинг бу қисмида асосан зарралар билан чангланиши жараёнига боғлиқ енгли фильтрларни аэродинамик қаршилиги кўриб чиқилган ва енгли фильтрнинг ишчи органларида ҳосил бўладиган аэродинамик қаршиликни аниқлаши тенгламалари тавсия этилган.

Калим сўз: аэродинамика, қаршилик коэффициенти, енгли фильтр, фильтр пардаси, фильтрлаш тезлиги.

Кириш:

Саноатда чангли ҳавони тозалаш аппаратлари чангларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳамда аппаратнинг конструктив тузилишига қараб танланади ва кенг миқёсда қўлланади.

Шуни такидлаш керакки, ҳозирда мавжуд бўлган адабиётларда ҳамда илмий-тадқиқот ишлари натижаларида чангли ҳавони тозаловчи қурилмаларнинг қатъий белгиланган таснифи келтирилмаган. Аммо мавжуд чангли ҳавони тозалаш қурилмаларининг конструкциялари ҳамда иш жараёнларини умумий ҳолда ўрганишда фойдаланиш мумкин. Умуман олганда, чангли ҳавони тозалаш қурилмаларининг ҳилма-ҳиллигини баҳолашда хар қандай конструкциядаги қурилмалардан шартли ва умумий ҳолда фойдаланиш мумкин. Ҳозирда чангли ҳавони тозалашнинг қуидаги усуллари мавжуд:

- 1.Оғирлик кучи таъсирида чўқтириш;
- 2.Марказдан қочма;

- 3.Электр ва бошқа кучлар майдонида чўқтириш;
- 4.Фильтрлаш;
- 5.Хўл усулда тозалаш.

Бу санаб ўтилган усуллар ичида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш жараёнларида ҳосил бўладиган чангларни фильтрлаш усулда тозалаш бугунги кунда оммалашиб бормоқда. Ўрганилган цемент ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўладиган чангларни тозалаш учун енгли фильтрларни қўллаш бошқа чанг тозалаш усулларига қараганда бир мунча энергия сарфини қисқартириши аниқланди. Лекин енгли фильтрларда қулланадиган фильтрлаш матоларининг аэродинамик қаршилиги бир мунча катталикларни қайта ҳисоблашни талаб этади. Шу сабабли ушбу тадқиқот иши таклиф этилган шиша тола ва базалът асосидаги мато билан қопланган енгли фильтрнинг аэродинамик қаршилигини назарий асослашга бағишлиланган.

Тадқиқот усули:

Чангланган газни фильтрацияси вақтидаги матони гидравлик қаршилигини ўзгариши шу кунга қадар бажарилган илмий-тадқиқот ишларида ўрганилган бўлиб фильтрлардан самарали фойдаланиш учун алоҳида муҳим ахамиятга эгалиги таъқидланган ва қўйидаги сабаблар келтирилган:

- матони аэродинамик қаршилигини ортиши фильтрни ҳавони ўтказиш қобилятини камайтиради;
- қурилманинг юқори аэродинамик қаршилиқда ишлаши элекроэнергияни ортиқча сарфига олиб келади;
- матони эскириши, аэродинамик қаршилик ошиб бориши билан тезлашади;
- юқори аэродинамик қаршилиқда матони заиф жойларидан чангни ўтиб кетиши ошиб боради.

Тозалаш жараёнини самараси ва энергетик сарф – харажатлар айнан фильтрловчи қатлам, яъни мато ва автоқатлам (матога ўрнаган чанг қатлами) ҳосил қиласидиган қаршиликка боғлиқ.

Енгли фильтрлар танлашнишда муҳими фильтрларни энергетик сарфини белгиловчи – кутилаётган гидравлик қаршиликга баҳо бериш.

Назарий тадқиқотлар:

Фильтрнинг гидравлик қаршилиги (Па ўлчамида) корпус қаршилиги ΔP_k билан фильтрловчи парда қаршилиги ΔP_p ларни йиғиндисидан иборат, Па;

$$\Delta P = \Delta P_k + \Delta P_p \quad (1)$$

Умумий ҳолатда аэродинамик қаршилик аппарат корпуси қаршилик коэффициентини газни кириш бўғзи (патрубкаси) даги тезлигига нисбати ξ_k билан баҳоланади;

$$\xi_k = \frac{\Delta P^2}{v_{ex}^2 \cdot \rho_e} \quad (2)$$

бунда v_{ex} – газни кириш бўғзидаги тезлиги, м/с.

Фильтр конструкциясини лойиҳаланишда ξ_k микдори одатда 1,5 – 2,0 га тенг қабул қилинади.

Фильтровчи парданинг гидравлик қаршилиги пардани ўзи ҳосил қилган босим ($\Delta P'_n$) ва пардага ўrnagan чанг ҳосил қилган босим ($\Delta P''_n$) ларни йифиндисини ташкил қиласди, Па;

$$\Delta P_n = \Delta P'_n + \Delta P''_n \quad (3)$$

З тенгламадан $\Delta P'_n$ ни (Па ҳисобида) қуийдаги ифода орқали ҳисоблаш қулайлик келтиради, Па;

$$\Delta P'_n = K_n \cdot \mu \cdot v^n \quad (4)$$

бунда K_n – фильтровчи парда қаршилигини ифодаловчи коэффициент, m^{-1} ; μ – газнинг динамик қовушқолиги, Па·с; v – фильтрланиш тезлиги, м/с n – газни пардадан ўтиш тартибига боғлиқ кўрсаткич даражаси (ламинар ҳолат учун $n = 1$, турбулент ҳолат учун $n > 1$).

Тадқиқот натижалари:

K_n коэффициенти экспериментал йўл билан аниқланади. Цемент чангини тутиб қоладиган медиан диаметри 10 – 20 мкм бўлган синтетик (лавсан) матолар учун $K_n = (1100 - 1500) \cdot 10^9 m^{-1}$ га тенг. Зичроқ матолар учун айнан шу чанглар учун $K_n 1,2...1,3$ баробарга ошиб боради. Бироқ, чангда намлик ўрин эгаллаган ҳолда юқорида келтирилган коэффициент кўрсаткичлари эҳтимол ошиши назарда тутилмайди.

Пардага ўrnagan чанг ҳосил қилган қаршилик қуийдаги тенглама орқали ҳисобланади, Па;

$$\Delta P''_n = \mu \cdot \tau \cdot c_{ex} \cdot v^2 \cdot K_1 \quad (5)$$

бунда τ – фильтрлаш циклининг давомийлиги, с; c_{ex} – фильтрга киришдаги чанг концентрацияси, кг/м³; K_1 – чанг қатламини қаршилик қаршилик параметри, м/кг. K_1 нинг қиймати чангни хоссаларига ва пардада ушланиб қолган чанг қатламига боғлиқ бўлади. Зарраларнинг медиан диаметри $d_m = 12 - 20$ мкм бўлганда $K_1 = (6,5 - 16) \cdot 10^9 m/kg$ бўлади.

5 тенглама ёрдамида чанг қатламини белгиланган аэродинамик қаршилигида фильтрлаш циклини давомийлигини топиш мумкин:

$$T = \frac{\Delta P''_n}{\mu \cdot \tau \cdot c_{ex} \cdot v^2 \cdot K_1} \quad (6)$$

Тажрибаларни ўтказиша енгли фильтрларнинг умумий қаршилиги 2500 Па дан ва пардадаги чанг қатламининг қаршилигини 600 – 800 Па дан ошмаслигини инобатга олишимиз лозим бўлади.

Хулоса:

Енгли филтрнинг узунлиги бўйича барча маромларда, енгдаги ҳавони нисбий сарфини ўзгариш қонунияти чизиқли қонуниятига яқин бўлиши бошланғич ҳаво сарфи ва статик босим ошган сари чизиқли қонуниятдан четланиш ҳам ошиб бориши аниқланди.

Матонинг хизмат вақтида, “фильтрлаш – регенерациялаш” жараёни ичida матони гидравлик қаршилиги, баъзи чегараларда вақт аро доимий ўзгариб туради. У чегаралар: - тоза матони қаршилиги Δp_m дан бошлаб регенерациядан олдинги қаршилик, кейинги қолдиқ қаршилик, сўнг “матодаги чанг таркибини мувозанати” Δp_p даги қолдиқ қаршилиқдан, регенерациядан аввалги белгиланган қаршилик Δp_{mn} кескин ошади. Кигизланган фетр ва бошқа қалин матоларда ички хажм чанг билан тўлади ва Δp_{mn} секин кўтарилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Умирзаков З.А., Абдуллаев И.Н., Юнусалиев Э.М., Рахманов Б.К. Исследования работы рукавных фильтров пылегазоочистки (на примере цементных заводов ферганской области)// Фаргона политехника институти илмий–техника журнали, 2021, Т.25, №1. стр. 61-68
2. Умирзаков З.А., Абдуллаев И.Н., Рахманов Б.К. Цемент ишлаб чиқариш саноатидаги чанг тутгичлар конструкцияларини оптималлаштириш// Фаргона политехника институти илмий–техника журнали, 2021, Т.25, №2. 205-207 бетлар.